
КОРЕЯ РЕСПУБЛИКАСИ ИНЧЕОН ШАҲРИ ДЕЛЕГАЦИЯСИ ФАРҒОНАГА КЕЛМОҚДА

Бугун Корея Республикаси Инчеон шаҳри ҳокимининг барқарор ривожланиш ҳамда сиёсий масалалар бўйича ўринбосари Хэн Сук Ли бошчилигидаги расмий делегация Фарғона вилоятига келади.

Ташриф дастури доирасида Инчеон делегациясининг вилоят ҳокими Хайрулло Бозоров билан учрашуви ўтказилади, учрашув якунида Фарғона ва Инчеон ўртасида биродарлашган ҳудудлар келишуви имзоланади.

Кореялик меҳмонлар Фарғона шаҳридаги Корея халқаро университетида бўлиб, талабалар ва профессор-ўқитувчилар билан учрашадилар, “POSCO International Textile” корхонаси фаолияти билан танишадилар.

Инчеон делегацияси вакиллари эртага, 16 декабрь куни вилоят театр ва концерт саройида Ўзбекистон ва Корея ўртасидаги дипломатик муносабатлар ўрнатилганининг 30 йиллиги ҳамда корейс миллати вакиллари Ўзбекистонга жойлашганлигининг 85 йиллигига бағишланган маданий тадбирда ҳам иштирок этишади. Ушбу тадбир дастуридан Кореянинг "Korean Pops Orchestra" оркестри ва ўзбек санъаткорлари ижросида қўшма концерт ҳам ўрин олган.

[Бизни ижтимоий тармоқларда кузатинг Facebook, Telegram, Facebook, YouTube, Instagram](#)

2022-12-15 12:19:14